Семен Липкин, Владимир Державин, Николай Ушаков, Наум Гребнев, Новелла Матвеева каби шоир-таржимонлардан миннатдорман. Уларнинг таржималари шеърларимнинг юртимдан ташқарида ўқишига йўл очди. — **Ҳозирги кунда қандай китобларга эҳтиёж бор, деб ўйлайсиз?** — Ешларга, юртимиз меҳмонларига адабиётимиз фаҳрига айланган Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон ва бошқалар ижоди ҳақида ақл билан, китобхонга тушунарли қилиб ёзилган биография китоблар керак. — **Ўзингиз ана шундай китоб ёзишга киришсангиз бўлмайди? Масалан, салафларингиздан бири сифатида Ҳамид Олимжон ҳақида ёзишингиз мумкин-ку?** — Бундай ишни охирига етказолмайманми, деб жуда кўркаман. Унга бўлган муҳаббатимни бутун умрим давомида асраб-авайлаб келган одамим ҳақида ёзиш шундай қийинки... Ҳатто ҳозир, Ҳамид Олимжон ҳалокатидан сўнг 40 йил ўтган бўлса ҳам, юрагимда чуқур ҳаяжон

аканинг икки халқнинг қадимий дўстлигини васф этувчи «Тожикистон ўғлидурман» кўшиқларини тожиклар орасида куйласам ҳам, ўзбеклар орасида айтсам ҳам, қарсақлар ёғилади. Бу ҳар қандай ижодкор учун энг катта бахт.

Ушбу дўстлик туйғуси билан лиммо-лим "Сарҳисоб"ни варақларданман, газалу ашъор орасидан "Ўзбегу тожик элим" (1998 йил) номли шеър дарҳол эътиборимни тортди:

Ўзбегу тожик элим тожи сари яқдигаранд, Ду азиз фарзанди як мулку падар ҳам модаранд. Ул бири олтин узукдир, ҳам вахоҳир кўз бири, Бингари, пайванди як обу гилу, як гаҳҳаранд. Ҳазрати Жомий, Навоий — меҳрини сарчашмаси, Дар суҳангўйи тавонояндю бас афсунгаранд. Не балолар бошидан доврғу солиб ўтганда ҳам Дўстиро ҳамчу ганжи бебаҳо мепарваранд. Эътиқол, меҳру вафо бобида гоят беназир, Дар самон маърифат ҳар ду дурахшон ахтаранд. Оқибат байроғини, дўстим, қўлингдан бермагил, Ин ливоро то жаҳон боқист, бо ҳам мебаранд.

Шоирнинг "Меҳр булоғи", "Кўёш васфи", "Ороста гул", "Орзу юлдузи" каби шеърлар тўплами ҳам икки халқнинг орзу-умидларини ўзида муҷассам этган ўлмас асарлардир. Ўлмас Жамол тожикистонлик ўзбек шоирлари орасида соҳибдевор шоир эди. Шоирнинг ноёб ижоди хусусида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов энг самимий сўзларини бот-бот баён этганлар. Ёки Тожикистон халқ шоири Гулрусор тожик шеърятини ўзбек халқига етказишда ҳеч ким Ўлмас Жамол каби хизмат қилмаганлигини таъкидлаган. Шоирнинг айтишича, "Ўлмас Жамолнинг ҳар икки тилни яхши билиши ва ижодий маҳорати боис, тожик шоирларининг шеърлари ўзбек тилига худди аслиятдаги каби ўгирилган. Бор ранги, мусикавийлиги, оҳори билан!" Ўлмас ака икки халқ қалбининг таржимони эди.

Дўстлик билан кўтарилган асли бизнинг комимиз, Дўстлик билан таралганлар олам бўйлаб номимиз. Дўстлик — ривож, дўстлик — қулуғ,

дўстлик — хотиржамликдир, Дўстлик бўлган жойда янграб эл аро саломимиз — деб ёзган эди шоир.

Бугунги кунда икки республика — Ўзбекистон ва Тожикистон, икки қондош ва жондош халқ — ўзбеку тожик халқларининг азалий анъаналари, дўстлик алоқалари янги замонга муносиб қайтадан тикланиб, ривожлантирилаётган паллада жумтоз адибларимиздан тортиб, Ўлмас Жамол, Жонибек Кувноқдек ижодкор аҳлининг ўлмас, руҳбахш сўзларини эслаш айни муддаодир.

Шоҳаҳқор САЛИМОВ, журналист

## олади, деб ўйлайсиз?

— Таржимонлар билан муносабатим турлича. Шеърларимни рус тилига ўгиришдаги қийинчилик шундаки, мен ўзбек тилида болалигимда ўрганганим араб ҳарфлари билан ёзаман. "Тарки одат — амри маҳол" деганларидек, шундай ёзиш мен учун қулай. Хуллас, шеърларимни машинисткага айтиб, кирилда ёздираман. Ана шу асосда рус тилига сўзма-сўз таржима қилинади. Шундан кейин таржимонлар ишга киришади. Афсуски, мен билан ишлаган кўплаб ҳаммуаллиф таржимонлар ишдан кўнглим тўлмаган. Шу жиҳатдан Ю.Нейман ва С.Осватни энг яхши таржимонлар, деб биламан. Шаҳсан,

ҳис қилмасдан ёзолмайман ҳам, гапиролмайман ҳам. Афсуски, бу ишни том маънода бошлаб ақунлашга қодир бўлган бирорта ёш ижодкори кўз олдимга келтиролмаган.

— **Дарвоқе, Сиз айна пайтда "Саодат" журналининг бош муҳаррири ҳамсиз-ку...**

— Ҳа, бугунги кунда таниқли шоир сифатида тилга олинган Гўлнеҳра Жўраева, Халима Худойбердиева ва бошқалар шу журналдан адабиётга кириб келишган. Бу кичик дўгоналаримни атай "шоира" эмас, шоир деб атадим. Бу сўзни ёмон кўраман. Чунки шоира сўзи менга худди "врач" сўзини "врачиха" деб ишлатган каби ғалати туюлади. Айтмайлик, шахматда эркаклар ва аёллар учун бирдек ишлатиладиган "гроссмейстер" сўзи бор-ку! Шеърятда ҳам, назаримда, шундай бўлиши керак.

— **Назаримда, Сиз бахтли инсонсиз...**

— Албатта, мен она сифатида жуда ҳам бахтёрман. Ўғлим Омон — юридик фанлар номзоди, бир-бирига ўшаган тўртта ўғилни воёга етказяпти. Қизим филолог, университетни тугатиб, шу ерда ўқитувчилик қиляпти. Биринчи эварамнинг илк қадамларини кузатиш менга шундай ёқадик... Бир нарсадан хафа бўламан. Баъзи ёш, истеъдодли шоирлар бир-икки китоблари муваффақият қозонгандан сўнг бирдан раҳбарлик лавозимларига, идора ишларига ўпиб кетишади. Табиийки, уларнинг иход учун вақтлари қолмайди. Оқибатда яхши бир талант йўқолади.

Суҳбатимизни опани чақирган овоз бўлди. Афсус, хайрлашишга тўғри келди. Фотоаппаратни олганимга ачиндим. Ушунда 1985 йилнинг кузи эди.

Флора ФАХРУДИНОВА тайёрлади.

# ҲАМОҲАНГ КЎНГИЛЛАР ИЛҲОМИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қозоқ адабиёти кенгашининг 2017 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши ҳамда 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилингани муносабати билан ўзбек ва қозоқ шоирлари иштирокида «Ҳамоҳанг кўнгиللар илҳоми» мавзусида қардошлик мушоираси бўлиб ўтди. Унда шоирлар, ёзувчилар, таржимонлар, олимлар, журналистлар, маданият ва жамоат арбоблари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қозоқ адабиёти кенгаши раиси Маҳкамбой Умаров очиб, ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигининг томирлари она заминга теран илдиэ отгани, икки халқни эт билан тирноқдай бир-биридан ажра-

тиб бўлмаслиги, атоқли адибларнинг ижодий ҳамкорлиги, жонажон дўсту биродарлиги ёш авлод учун ибрат намунаси экани ҳақида сўзлади.

Адабиётшунос Ерғаш Абдувалитов, «Нурли жўл» газетаси муҳбири Қуттибий Башаров, журналист Турсунали Аҳметов ўтган йили мамлакатимиздаги марказий газета-журналлар ва нашриётларда қозоқ тилида босилган шеърлар ва насрий асарлар, китоблар, қозоқ адибларининг ўзбек тилида, ўзбек ижодкорларининг қозоқ тилида нашр этилган ижод намуналарини ҳамда ўзбек-қозоқ адабий алоқалари ривожини ҳақида маъруза қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўми-

таси қошидаги қозоқ маданияти маркази раиси Серик Усенов, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси маслаҳатчиси Мурсалнаби Туёқбоев ва бошқа ижодкорлар ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарининг қозоқ тилига таржима қилингани, қозоқ адибларидан М.Умаров, Б.Кидиров, Р.Утарбоев, Қ.Бекмановнинг насрий асарлари, шеърый тўпламлари ўзбек тилига ўгирилгани ҳақида гапирдилар.

Тадбир ўзбек ва қозоқ шоирлари иштирокидаги мушоирага уланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Болалар ва ўсмирлар адабиёти, Русийзабон адабиёт кенгашларининг ҳам 2017 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишлари ҳам бўлиб ўтди.

Ахборот хизмати

Заҳматкаш шоир Ўткир Раҳмат ўзбек адабиётда ўз мухлислари ва тадқиқотчиларига эга. У "Ирмоқ", "Соғинч", "Жилга", "Кўзим қорачиғи", "Ой ёғдуси", "Хаёл ифори" ва бошқа ўндан зиёд шеърый китоблар муаллифидир.

# СЎЗ СЕҲРИ, ШЕЪР ҲИКМАТИ



Ўткир Раҳмат Ватан ҳақида, Ватанида кечаётган ўзгаришлар ҳақида ёзадими, тарих қатларини титқилаб ёзадими, ёзганларида самимият, ё воқеани, ё манзарани, ё оний кайфиятни юракдан ҳис этиб ёзади. Яъни шоир, англашимча, хиссий ёзади. Шоир ҳар бир шеърда, ҳар бир мисрасида она Ватани Ўзбекистоннинг, бу буюк халқ ва миллатнинг кунини, тонгини, қишлоғини, кенг адиб ва қилларини, тўрт фаслнинг минг хил манзараларини, бободоҳқонини, подачисини маҳорат билан чизади.

Улуғбекнинг руҳида Бекинда юлдузлар. Уфқдан офтоб тутиб, Тўшиб келар қушдузлар. Майсаларнинг тилида Бўй-бастин қилиб кўз-кўз, Бойчечакни қулдириб, Жилмаяр яшай Наврўз. Шир-яланғоч боғлар ҳам, Қайтар аста ўзига. Ҳаё — қизғиш ранг инган Гунчаларнинг юзига.

Лаҳжасида қушлар ҳам Чуғурлашар — сирлашар. Чулдираган ирмоқлар Дарёларда бирлашар. Бирлашган армон йўқ, Қалқиб турар тўғонлар... Тирикчилигим, ҳаётим, Танимдаги сен жонсан. Баҳорлар қаноти, Онам — Ўзбекистонсан!

"Баҳор" сарлаҳвали бу шеърда соддалик, қисқа ҳижолийлик, халқона образли ифода бор. Ўткир Раҳмат шеърларининг муҳим хусусиятларидан бири — унинг шеърлари осон эсда қолади, осон ёд олинади. Ҳамма гап ўша осон, аммо маъноли, оддий услубни шакллантиришда. Ўткир Раҳмат ўзи устида, сўзи устида узоқ, машаққатли меҳнат заҳматини чекканлардан бири. Шу боис шоир мана шундай содда, халқона-миллий, образли бадийий ифода услубига эга. Муаллифнинг "Сирдарё" шеърда пейзаж лирикасининг таниқли отахонларидан бири Уйғун ижодий изланишларининг таъсири сезилади. Хусусан, "Сунбула сувида офтоб ювар юз, Шошқалок ирмоқ ҳам қолган босилиб, Югурти фурсатлар ўтади бесўз, Ишқомдан узумлар боқар осилиб" шеърый мисралари беҳитиёр устоз шоирнинг "Хар фаслнинг ўз услуби бора, ҳар фаслнинг ўз фазилати" шеърини ёдга солади. Ёки тонг куйчиси ("Бугун эрта туриб тонгни кўрдим, оқ шоху рўмоли бошида...") Уйғун каби Ўткир Раҳмат ҳам тонг манзараларини, тонгда рўй берадиган оний гўзал лаҳзаларни қайта-қайта оҳорли бадийий образли ифодаларда чизади. Масалан: "Кун ёришди, Тундан йўқ нишон, Дов-драхтлар гўё керишар. Нурга ботиб япроқлар шоён, Дур шабнамни тутиб туришар..." ва ҳоказо.

Ўткир Раҳмат сўздан сўзга, шеърдан шеърга, образдан образга, китобдан китобга томон ижодий маънода ўсди. Мана бу шеърга эътибор беринг: "Уйинқароқ, шошқалок шамол, Мени назар-писанд этмайсан. Югурасан чопиб бемалол, Айланасан, Тутқич бермайсан". Шамолга нисбатан "шошқалок" сўзини қўллаш нақадар ўринли бўлган. Шамол — шунчаки табиий жараёнгина эмас... Шоир шамол образига иккинчи бир жиддий метафорик бадийий маъно юклайди. Шамол — бу жамиятдаги ўзгарувчан ижтимоий, инсоний муносабатлар рамзи ўлароқ ифодаланади.

Ўткир Раҳмат шеърятини энг кўп учрайдиган образлардан яна бири —

мажнунтол. Айтиш керакки, муаллифнинг мажнунтол образига ёндашуви янгина. Жумладан, "Сочларини ёйиб паришон Тураверар, Чурқ ҳам этмайди. Бошинг кўтар, деб чорлар осмон Лекин унинг қурби етмайди". Шеърдаги соддалик ва тиниқлик, самимийлик мени мафтун қилапти. Содда, тиниқ, самимий, оригинал шеър ёзиш ҳаммининг ҳам қўлидан келмайди. Бу мураккаб ижодий жараён. Мажнунтол — образида сабрли, хокисор, камтар, камсукум одамнинг рамзий образи бирлашиб кетгандек гўё. Сатрларда ифодаланган бадийий маънолар фикрлашга даъват этмоқда. Кечагина ерни ёриб чиққан мейла, қаддини тик тутиб турибди. Неча йиллардан бери ўсиб-улгайган мажнунтол эса боши эгик, атрофни жим кузатади. Қор-ёмғирлар, дўллар, чанг-тўзонлар уни тинч қўймайди. Мажнунтол сабр билан қор-ёмғирлару дўлларнинг шиддатини кўтараяди, чанг-тўзонлар зарраларини япроқларидан, танасида тутиб туради. Назаримизда, жамиятдаги истеъдодли, ақлли кишиларга нисбатан зуғумлар, маънавий-руҳий зарбалар мажнунтол ва унинг атрофидаги қор-ёмғир, дўл, шамол, ёш майса образларидан ажойиб тарзда метафоралашган. Яна бир шеърда шоир мажнунтол образига тақрор қайтади: "Офтоб нури тинар юзимда, Атрофимда айланар шамол. Тебранамаман ўзим-ўзимдан, Руҳиятим мисли мажнунтол". Мажнунтол образи Ўткир Раҳмат ижодидида бора-бора шахсий, хусусий, ўзига хос образга айланади. Ижодкор сабр, хокисорлик, камтарлик рамзи ўлароқ талқин этиб келган мажнунтол образи юқоридаги шеърда янада оригинал-лашади.

Соғинч, муҳаббат, кўнгилисизлик, дилгирлик умумий тушунчалар. Уларни образли, бадийий ифодада акс эттириш қийин. Аммо Ўткир Раҳмат маъзур абадий, азалий инсоний туйғуларнинг ҳам рангин суратларини нафис қалб, нозик қалам билан чиза олади. Мана у "Соғинч"ни қандай таърифлайди: "Уйқу қочар, Дилинг безовта, Отанг кўзинг ичида гўё. Мана — онанг, Эркаклар аста, Соғинч эзар бурмалаб гўё...". Ўз яқинларига, отасига,

онасига, туғишганларига, кенгроқ маънода оладиган бўлсақ, ўз Ватанига нисбатан меҳру муҳаббатдан ортиқ соғинч бошқача таърифланиши мумкин эмас. "Ҳаё билан иккимиз қолдик" шеърда эса қалб амри билан хаёл баҳшлашади. Шоир шу икки ўт орасида ўртанаётган инсон изтиробларини куйлайди.

У.Норматов Ўткир Раҳмат шеърятини "учқур хаёл орқали тикланган яқин ва узоқ ўтмиш хотираларига оид шеърлар бутун бир туркумини ташкил этади. Улар орасида, айниқса, "Гуласал" билан "Гўри Амир" алоҳида ажралиб туради", деб ёзади. Домла тўғри эътироф этганларидек, "Гуласал" каби яна бир туркум шеърларида воқеабандлик, воқеалар заминда жиддий ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолар талқини кўзга ташланади. Ижодкорнинг "Умид", "Шоҳизинда", "Циркда", "Армон", "Абдуллатиф тазарруси", "Синглимга хат" каби бир қанча шеърларида воқеалик, муайян ҳаётий ва тарихий воқеалар, улар орқали умуминсоний туйғулар ва дардлар тафтишини кузатиш мумкин.

Шоир шеърятининг муҳим бадийий хусусиятларидан бири, унда истеъзо, киноя, ҳажв элементларининг воқеий шеърлар руҳига сингдириб юборилишида кўринади. Масалан, "Тасодиф" шеърда Олапар итга берилган муҳаббат нега инсонга берилмайди, деган истеъзоли киноя китобхонни безъитибор қолдирмайди. Ўткир Раҳмат шеърлари руҳидан англаганим, у яқинларидан, дўстларидан меҳр олган, яхшилик кўрган. Шунинг учун ҳам унинг инжа шеърятини меҳварини ўз яқинларига, қишлоқ-дешларига, ватандошларига чексиз меҳру муҳаббати ташкил этади.

Муҳтасар айтганда, шоирнинг кейинги ижодий ишларига ижодий баркамоллик тилаб, шеър руҳи, сўз сеҳри ҳеч қачон тарк этмасин деймиз!

Марҳабо КҮЧҚОРОВА, филология фанлари номзоди

# ЁШЛАР ТЕАТРГА БОРАДИМИ?

**“Қачон охирги марта театрға бордим?” Бугун бу саволни ёшлар ҳам ўзларига бермоқдами? Бордию шундай бўлса, уларнинг миллий сахна санъатимизда кечаётган изланишларга қизиқиши қай даражада? Бунни билиш учун театрларнинг томоша залига назар солишнинг ўзи кифоя. Очиги, бу ерда атайин спектакль кўраман, деб келган ёшларни доим ҳам учратавермайсиз. Тан олиш керакки, профессионал театр мухлислари орасида навқирон авлод вакиллари кўп эмас. Назаримизда, ҳозир театрға бориш — ақсар ёшлар учун эришдайд туюлади.**

Яқинда, институтда ўқиган бир дўстим билан учрашиб қолдик. Анчадан бери театрға тушмаганимиз учунми, уни спектаклга таклиф қилдим. “Театрғами?” деб ажабланиб сўради у. Бу савол замирида нега энди айнан театрға тушишимиз керак, деган мазмун борга ўхшади. Тўғри, пойтахтимизда вақтни мазмунли ўтказса бўладиган жойлар кўп. Лекин уларнинг ҳеч бири сахнада кечадиган жонли томоша ўрнини босолмайди. Бунни дўстим ҳам яхши билса-да, негадир, фикримиз бир жойдан чиқмади. “Балки бошқа ерга борармиз”, деган жавобидан тушундикми, у бўш вақтини театрдан кизганимиз.

Бир қарашда бунинг хайрон қолдирган жойи йўқдек. Ахир, ҳеч қимми театрға боришга мажбурлаб бўлмайди. Бирок масалага кенгрок қарасак, юқоридаги ҳолат шунчаки бефарқлик эмаслигини, унинг ортида жиддий муаммо борлигини кўраемиз. Ростини айтганда, бугун театр санъати ва ёшлар ўртасида кўринмас девор пайдо бўлганга ўхшади. Гўё томоша залларига олиб борувчи йўللар тўсиб қўйилгану ёшлар сахна санъатида кечаётган изланишлар билан танишиш имконига эга эмасдек. Уйлантирадиган жиҳати шундаки, ўртадаги бу тўсиқ тобора катталашиб бормоқда.

Таассуфки, бугун баъзи тенгдошларим билан суҳбатлашганда улар ҳатто пойтахтимиздаги театрларнинг номларини ҳам тўлиқ билмаслиги сезилади. Очиги, улардан бирор театрининг тарихи, репертуаридан ўрин олган спектакллар ҳақида сўрашга иккиланасиз. Аммо келаётган ҳафтада Европа чемпионлари раёсида қандайдур футбол ўйинлари ўтказилдишнинг мактаб ўқувчиси ҳам сезишга эриши мумкин. “Футбол — миллионлар ўйини” дегисиз, лекин ёшларнинг болулинги ёки “playstation”да қимматли вақтини совоириши олдига айланиб, театрға бориши гайритабиий бўлиб кўриниши аслида уларнинг маънавиятига зид ҳолд эмасми?

Сўнгги йилларда кўплай янги спектакллар, мумтоз драмалар сахна юзиди кўрганга қарамай, ақсарияти ёшларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Мисол учун, ёшлар даврасида ёки улар севган бирор ижтимоий тармоқда “Шоҳ Эдип”, “Тартюф”, “Лаили ва Мажнун”, “Навой”, “Мирзо Улугбек” сингари мумтоз драмаларнинг янги талқинлари муҳокама қилинганини ҳеч кўрмаймиз. Ваҳоланки, бу постановкалар томошабин савиясининг тарбиялайдиган ўзига хос мактаб ҳисобланади. Шу боис ёшлар миллий сахнаимизда ўйналаётган мумтоз асарлар, Навоий, Шекспир, Шиллер, Шайхзода ижоди билан таниш бўлиши

шарт. Умуман, театр ўзида кўплай ижод турларини жамлаган синтез санъат ҳисобланади. Агар ёшларда спектакль томоша қилишга ҳафсала бўлмаса, демак, улар бадий адабиётни мутолаа қилишга ҳам кўн қилишмайди.

Шў, муаммонинг илдири қанда? Нега ёшлар бугун театрдан узоқлашиб кетган? Эҳтимол, ҳозир ёшларни қизиқтирадиган мавзудаги асарлар камдир. Унда нима учун бирор эстрада “юлдузи” янги “кўшиқ” куйласа ёки “клип”да суратга тушса биринчи



Самарқанд вилояти мусикали драма театрининг “Йимон” спектаклидан лавҳа.

навбатда ёшлар орасида овоза бўлади. Аммо Ўзбек давлат драма театрида машҳур италян драматурги Карло Гольдонининг “Икки бойга бир малай” комедияси сахналаштирилса, кўпчилик ёшлар “беҳабар” қўлади. Мамлакатимизда ҳозирда қирққа яқин профессионал театр фаолият юритиб, уларнинг ҳар бири алоҳида репертуарга эга экани ҳисобга олинса, ёшларнинг миллий сахна санъатимизда кечаётган изланишлар билан яхши таниш эмаслиги аён бўлади.

Айтайлик, коллеж ўқувчисидан бир ойда неча фильм ёки клип томоша қилгани сўралса, у барчасини эслашга қийналиб қолиши аниқ. Чунки бу ижод намуналари билан у деврли ҳар қуни юзлашади. Уша ўқувчидан бир ойда неча спектакль кўришини сўрасак, қандай жавоб оламиз? Тарози палласи эстрада санъати томонга огиши табиий. Баъзилар учун бунинг ажабланирли жиҳати йўқдек. Ёки ёшлар театр сахнасида кўтариладиган баъзи ҳаётий муаммоларни тушунишга ҳали “ёшиқ” қиладимиз? Лекин бу профессионал театр томошалари фақат катталар, шу соҳани тушунадиган мухлислар учун мўлжалланган, деган ҳулосани бермайди.

Аслини олганда, театрға бўлган

қизиқиш айнан ёшиқдан бошланади. Бу даврда драма ўқиб, спектакль томоша қилишга ўрганмаган ёшлар кейинчалик сахна санъатига жиддий қизиқиш билдириши қийин. Яъни уларда сахна санъати ҳақида юзаки, тор қараш шаклланиб қолади. Табиийки, бундай “томошабинлар” маҳоратли ижодкорлар томонидан сахналаштирилган яхши спектаклларни кўрганда ҳайратланмаслиги, унинг мазмуни, бадий қиммати тушунишга қийналиши мумкин. Шу боис театр томошабинини тарбиялаш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг энг муҳим, ҳал қилувчи босқичи эса ёшиқ даври билан боғлиқ.

Ёшлар театр санъатидан бутунлай ажралаиб қолган, десак тўғри бўлмас. Пойтахтимиз театрларида янги спектакль тақдимоти ўтказиладиган кунлари ёшларни ҳам учратиш мумкин. Эътибор берсак, уларнинг асосий қисмини санъат соҳасига тегишли институт талабалари, мактаб ўқувчилари ташкил қилади. Бу, албатта, ижобий ҳолат. Шунга қарамай, сахна санъатининг навқирон ихлосмандлари орасида таълим муассасасининг ташаб-

буси билан эмас, балки ўз хоҳиши, қизиқиши билан келадиган ёшлар кўпроқ бўлишини истардик. Зеро, бугун театр санъатида ёшларнинг муносабати, фикрига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан кўра ошган. Айниқса, театр анжуманлари, спектакллар муҳокамалари, матбуот саҳифаларида ёшларнинг овози мунтазам янграши жуда муҳим.

Бугун театрларда томошабинлар сони камайиб бораётгани ҳақида кўп гапирилади. Жиддий ўйлаб қаралса, бунинг бир сабаби спектакль намойишларида ёшларнинг иштироки жуда камлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки театр мухлисларининг асосий қисмини навқирон авлод вакиллари ташкил қилиши лозим. Уларнинг театрға эътиборини қайтариш учун театр эндиликда бошқа санъат турлари билан рақобат қилиши керак, деган фикрдан йироқмиз. Аксинча, театр бошқа ижод турларига бўлган эътиборни қунайтиришга, бу орқали ёшларнинг маънавий, эстетик олами янада бойишига хизмат қилиши лозим. Шундангина театр ва ёшлар ўртасидаги азалий ришта ҳеч қачон узилмайди.

Азизхон ИМОВОМОВ

**Катта экран жойлаштирилган кинотеатрнинг қоронғи залида ўтирган томошабин маълум муддат кинорежиссёр яратган оламга сайр қилади. Бой таассуротлар, ҳиссий тугёнларни қалбидан ўтказида. Ўзбекистон санъат арбоби, “Ўзбекфильм” киностудияси режиссёри, қалби уйғоқ ижодкор Зулфиқор Мусоқов бетақдор фильмлари билан томошабинлар қалбидан жой олган меҳнаткаш ижодкор. Бугунги ўзбек киносида унинг алоҳида ўрни бор.**

## БЕДОРҚАЛЬ ИЖОДКОР

У яратган фильмлар томошабоплиги, ҳаётий воқеаларни ўзига хос тарзда ифодалагани билан ажралаб туради. Дастлабки картиналаридан тортиб шу кунгача яратган фильмларнинг сюжети ва мазмунига эътибор қаратсак, уларда ўзбек халқининг асрий урф-одатлари, миллий менталитети, бошқа халқларда учрамайдиган ўжарлик, соддадиллик, меҳрибонлик, меҳнаткашлик, бурғча садоқат, Ватанини севиши, оилани муқаддас билиш, боқий муҳаббат ва бошқа инсоний хислатлар акс этганига, ўзига хос кино тили, режиссёрлик услубига эга эканига гувоҳ бўламиз. Боз устига фильм сўнгги ижодкорнинг драматургик салоҳияти, киносценарий ёза олишдек қобилияти ҳам эътиборлидир.

З.Мусоқовнинг илк ишларидан “Абдуллажон” картинасида, бир қарашда, кулгили воқеалар ҳикоя қилинса-да, аслида фильмда меҳнаткаш ўзбек халқининг турмуш тарзи, ҳар қандай оғир шариоғат қарамай болақонлиги, бағрикенглиги очиб берилган. Фильмдаги кетмоннинг учинчи воқеасини эслаш. Нима учун раиснинг кетмини учмайди? Чунки раис хўжалиқнинг бошқа аъзоларини ранжитган, шахсиятини камситган ва уларга нисбатан адолатсизликлар қилган. Шунинг учун ҳам унинг кетмини ҳеч қачон учмайди. Ҳатто ўзга сайёрдан қандай болақоннинг сеҳри ҳам қор қилмайди. Яхшилик қилишга, адолатли бўлишга, умуман, яхши инсон бўлишга даъват бу! Мазкур картинада Ўзбекистон халқ артистлари Ражаб Адашев ва Тўти Юсупованинг ихроси халқимиз қалбидан жой эгаллади.

Сеҳр билан боғлиқ ҳолат “Яратганга шукр” фильмида ҳам кўланган. Бош қаҳрамон Рустам Саъдуллаев

Улуғ шоирларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари муносабати билан кўплай таъбирлар ва концертлар бўлиб ўтди. Ўтган ҳафта Ўзбекистон давлат консерваториясида томоша қилганимиз “Ғазал бўстонига бир назар” номли концерт дастури ўзига хослиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Мазкур концерт Маданият вазирлиги, Миллий мақом маркази, Консерватория ҳамкорлигида, Ўзбекистон халқ ҳофизлари ансамбли раҳбари Эркин Рўзиматов ташаббуси билан ташкил этилди.

Мазкур таъбир том маънода “Мақом гулшани”га айланади. Алишер Навоий ва Бобур ғазалларидан тузилган гулдаста-дастур “Бузрук” мақомидан “Насрулло” ашуласи билан очилди. Уни консерваториянинг тўртинчи курс талабаларидан иборат хонанда ва созадлар ансамбли ижро этди. Созандалар ансамбли қатнашчилари доцент Набижон Қодиров синфи талабаларидир.

Йиғилганлар устоз санъаткор Эркин Рўзиматов мусиқаси билан қўйилган “Айламиш”, “Самар йўқдир”, “Ҳофизга тазрир” (Алишер Навоий ғазаллари) ашулаларини мароқ билан тинглашди. Ака-ука Сўпихоновлар мусиқаси билан “Мубало бўлдим санга”, Фахриддин Умаров мусиқаси билан “Сочининг савоси туши” каби ашулаларини ижро этган Нодир Шарипов, Сайёд Жўраев, Умид Икромов ҳамда Нарғиза

кўнглидан ўтказган фақат яхши ният ва пок истакларгина амалга ошириб, ёмонликлар четга сурилади. Фильмдаги сеҳр-жоду ва аномал ҳодисалар ҳам фақат эзгу ишларга хизмат қилади. Ҳатто бир ўринда салбий қаҳрамон Бўри персонаждаги Нозим Тўлаҳўжаевнинг тақдирини, муқаррар жазоси ҳаётий воқеалар орқали очиб берилади.

Режиссёр ижодиди болаларга хос дунёқараш, ҳаётни бола кўзи билан кўриш завқи ҳам шаклланган. “Кичкина табиб”ни эслайлик. Унда кулгили сахналарга алоҳида эътибор берилса-да, бироқ бош мавзу, бадийи ғоя фильм сўнгги ижодкорнинг алоҳида намоён бўлади. Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам фош бўлиши ва жазо муқаррарлиги ишонарли тасвирланган. Худди “Абдуллажон”да бўлгани каби бу фильмда ҳам сеҳр-жоду ва гайриоддий хусусиятлар фақат яхшиликка хизмат қилиши таъкидланади. Фильмда Мурод Ражабов, Ражаб Адашев, марҳум Хожиакбар Нурматов, Мунаввара Абдуллаева, Карим Мирҳодиев, Фотима Режаметова, Дилшодбек Каттабеков сингари актёрларнинг юксак даражадаги ижроларини кўриш мумкин.

“Осмондаги болалар” фильмида эса ёшлар ҳаёти, уларнинг тарбияси, дунёқараш ва катталарнинг уларга муносабати ёрқин акс этади. Бир неча ўсмирнинг оилавий муҳити, болалик кечинмалари, илк муҳаббати ва катта ҳаёт сари ташлаган дастлабки қадамлари ҳақида ҳикоя қилинган ушбу фильм экранларга чиққач, томошабинлардан унинг мантйқий давоми, воқеалар қандай яқун топиши тўғрисида режиссёрга таклифлар туша бошлади. Табиийки, фильмнинг давоми ҳам суратга олинди. Таъкидлаш

Камолиддин ЭҒАМБЕРДИЕВ

## СУРУР

Муроталиева, Ўғилой Ҳусанбоева, Дилсўз Махсудова каби ёшларнинг ижро маҳорати, овоз имкониятлари мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлди. “Тоҳоро тўлқини” (халқ куйи) ва “Қаро зулфинг” (Ғанижон Тўшатов мусиқаси) ашулалари ижросидан қалблар тўлқинланди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева юксак маҳорат билан ижро этган “Қаро кўзум” ашуласи ва Э.Рўзиматов томонидан тузилган Ушшоқлар туркуми янраганда зал қарсақдан ларзага келди.

Дастур Навоий ғазалига шоир Сирожиддин Саййид муҳаммаси билан янраган “Эрка гизолим” ашуласи билан яқунланди. Э.Рўзиматов басталаган шўҳчан мусиқа оҳанглари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Концерт аввали ва охирида сўзга чиққан санъатшунос олим Соибжон Бегматов, таниқли санъаткорлар Муножот Йўлчиева, Хайрулла Лутфуллаев ва бошқалар дастурининг алоҳида хусусиятлари, хонанда-созандаларнинг бетақдор ижролари, устоз Э.Рўзиматовнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этилди. Шу ўринда концертнинг муваффақиятига катта ҳисса қўшган бадий раҳбар Мансур Воисов, режиссёр Улуғбек Исомиддинов ва бошқоча Авазхон Ҳошимовнинг зияматларини таъкидлаш жоиз.

Г.УМАРОВА

## КҮН ТАРТИБИДА ДРАМАТУРГИЯ

Ҳар қандай театр жамоаси адабий асос — драматургиясиз яшай олмамлиги ҳаммамизга кундек равшан. Зеро, театр репертуари, жамоанинг ижодий кифёси ва имкониятлари бевосита сахнада кўйилган асар — драматург ва режиссёр салоҳияти билан аниқланиши сир эмас.

Шў, бугун миллий драматургиямиз театр талабларига, томошабин эҳтиёжига қай даражада жавоб берапти? Бу саволга Маданият вазирлигида бўлиб ўтган “Миллий драматургия: муаммо ва ечим” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда маълум маънода жавоб топилди, десак хато қилмайлик. Анжумани очган Маданият вазирини Б.Сайфуллаев таъбирга йиғилганларни очик сўхбатга қорлади:

— Очигини айтиш керак, бугун маданият ва санъат давр билан ҳамқадам бўлолмапти. Ҳозир муҳокамага қўйганимиз драматургия масаласини олайлик. Театр санъати пойдевори бўлган бу соҳа даврдан анча орқадан қолган. Олдин бу мисол: Хоразм вилоят театри учун асар ёзишга эълон бердик. Лекин шу кунгача бирорта қўлга илинадиган асар келмади. Президентимиз А.Термизий ва Алпомиш ҳақида сахна асари яратиш учун Сурхондарё театрига икки миллиард маблағ ажратди. Лекин ҳали спектаклдан дарак йўқ. Яна ҳам муҳими, драматург ва режиссёр ҳамкорлигини кўрмаймиз. Энди боқимандалик даврини эсдан чиқаришимиз, очик гапиришимиз керак.

— Драма йўқ, деб бўлмайди, — деди Ёзувчилар уюшмаси драматургия кенгаши раиси Шўхрат Ризаев. — Ёзилаётган асарлар бор. Лекин борлари ҳам ўқилмай қолиб кетаяпти. Чунки режиссёр ва драматург ҳамкорлиги охир-оқибат ҳаммасини ҳал қилади. Ёзувчиларни, айниқса, ёшларни вазириликнинг ўзи театрларга жалб қилиши керак.

Драматург Ҳайитмат Расул ақсарият ёзаётганлар драма тилидан беҳабарлиги, айни кунларда таниқли ёзувчи, шоирлар Ш.Бошбеков, У.Азимов, Қ.Норқобил, Э.Хушвақтов кабиларнинг ижоди етакчилик қилаётганини айтди.

Таъдбирда сўзга чиққан Санъат ва маданият институти проректори Г.Ҳолиқолова, драматурглар Ж.Маҳмудов, Қ.Норқобил, У.Азим, Миллий театр директори Ф.Маъсудов, Санъат ва маданият институти ректори И.Йўлдошев, санъатшунос олимлар Х.Икромов, Д.Раҳматуллаева, С.Қодирова, Рус академик театри бадий раҳбари Б.Ҳамидов ва бошқалар аниқ таклиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўз ахборотимиз

Ўзбек миллий академик драма театри ижодий жамоаси Бердақ номидидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқий театрида Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси У.Абдурахмоновнинг “Ужарлар” пьесасини Янги томоша

Куда-қудачалар ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Т.Мўминов (Холмурод), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Г.Иброҳимбекова (Қизилгул), Х.Комилов (Матирза), Р.Ярашев (Ақсунгул, Матирзининг турмуш

## ИККИ АСАР ТАҚДИМОТИ



ўртоғи), Т.Саидов (Жандулла), икки қудаларнинг гап устидаги жанжалларга авж берувчи Ф.Ғафуров (Басимбет), Ф.Баймурзаев (Тўренияз қуда) ва А.Қодиров (Айтбай журналист)ларнинг актёрлик маҳорати, айниқса, комик ҳаракатлари томошабинларга завқ бағишлади.

Спектакль Миллий академик драма театрида яхши кутиб олинган, — деди Ўзбе-

кистон халқ артисти Теша Мўминов. — Лекин сахнага чиқиш олдида қорақалпоқ томошабинлари бизнинг ижромизини қандай қабул қилар экан, дея озгина ҳаяжонландик. Кўриб турганимиздек, мухлислар бизни яхши қабул қилди.

Спектаклнинг тарбиявий аҳамияти катта. Қайсарлиги, ўжарлиги тўғрисида фарзандларнинг бахтига тўсиқ бўлаётган ота-оналар ҳаётимизда учраб туради.

Чаржаў ЕЛМУРАДОВ

Нукус шахри

## МАДАНИЯТ ВА ҲУҚУҚ

Халқимизнинг, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, маданият ва санъат муассасаларини барпо этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, театр, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа санъат турларини ривожлантириш, ёш истеъдод эгалларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш каби қатор масалалар давлат миқёсида устувор вазифаларга айланиб бормоқда. Бундай кенг миқёсдаги ишларни амалга оширишда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида “Маданият соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари” мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу масалаларга бағишланди. Таъдбирни очган Маданият вазирини Бахтиёр Сайфуллаев мавзунинг долзарблиги ҳақида фикр юритиб, жумладан, шундай деди: “Маданият соҳасида давлат сиёсатининг мақсади ва асосий устувор йўналишларини, маданият муассасалари ва истеъдод эгалларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, маданият тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим вазифаларнинг амалга оширилиши ва ечим топишида ҳуқуқий базанинг механизмини яратиш асосий ўрнини эгаллайди”.

Конференция давомида маданият, санъат, мусиқа соҳасида кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асосларини янада муккамаллаштириш, халқ ижодиёти йўналишининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, театр ва кино соҳаси, мусиқа санъати ва илмининг ҳуқуқий асослари каби масалалар бўйича профессорлар К.Азимов, О.Иброҳимов, адабиётшунос олим Ш.Ризаев маъруза қилди. Юртимизнинг етакчи олимлари, маданият муассасалари раҳбарлари ва санъаткорларнинг маърузалар юзасидан фикр-мулоҳазалари тинланди.

Ўз ахборотимиз

### ЖАНГОВАР ҚЎШИҚЛАР

Янги нашр

Зикрилла Нейматнинг "Қалдирғочлар қайтган кун" ("Машхур-пресс", 2017) ва "Мангу қўшиғимсан, Ватан" (F.Фуллом номидаги НМИУ, 2018) тўпламларидан она-Ватан, истиқлол, одамлилик ва меҳр-оқибат туйғуларига қаламга олинган ғазал, шеър, достон, қасида ва тўртликлар ўрин олган.



Истеъдодли ижодкорнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги шеърлари барчани тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етишга ундаса, мард ва жасур ўғлонларни юрт хизматига ҳамisha шай туришга даъват этади.



Лола НАБИЕВА, ўқитувчи

### "ХИТОЙ ТАРИХИ"

Маълумки, сўнгги қирқ йилда Хитой иқтисодий, ижтимоий, техника, технология ва бошқа соҳаларда жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Шу боис Хитой маданияти, тарихи, тили ва адабиёти, иқтисоди, географияси ва бошқа соҳаларга бўлган қизиқиш янада ошмоқда.



га оид бир қатор китоблар нашр этилган бўлса-да, шу пайтгача Хитой тарихи ҳақида ўзбек тилида ҳар томонлама мукамал илмий ва амалий дарслик ёки ўқув кўланмаси яратилмаган эди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти мутахассислари томонидан "Хитой тарихи" тўплами илк бора ўзбек тилига таржима қилинди.

"EXTREMUM PRESS" нашриёти томонидан филология фанлари номзодлари С.Носирова ва С. Ҳошимова илмий муҳаррирлигида чоп этилган ушбу тўплам нафақат мамлакатимиз ёшлари, талабалар, балки тадбиркорлар, сайёҳлар учун ҳам қимматли манбадир. Хитойнинг ўтмиши, маданияти, тарихи ва янги тарихи, бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу китоб барча ўқувчилар учун мўлжалланган.

Дилором СУЛТОНОВА, коллеж ўқитувчиси

### ИСПАНИЯДА "САМАРҚАНД" ТЕАТРИ

Ҳа, шундай, айни дамда Испаниядаги Бадахос вилоятининг Альмендралехо шаҳрида "Самарқанд" номли театр фаолият кўрсатяпти. Театр барча спектакллари испан тилида намойиш қилади.

Яхшилик, ёруғлик, тинчлик ва яратувчилик тинчлиги сифатида тилга олинади. Театрни ташкил этиш жараёнида, ижодий қиёфамизни яратишда бу тинчлик бизни илҳомлантириб турди.

Миллий антропология музейида сақланади. Мусиқали-томоша жанридаги кўчада намойиш этишга мосланган асарда босқинчиларнинг қилмишлари кўрсатилади.

Миллий антропология музейида сақланади. Мусиқали-томоша жанридаги кўчада намойиш этишга мосланган асарда босқинчиларнинг қилмишлари кўрсатилади.

### Ўзбекистон ва жаҳон

Ҳа, шундай, айни дамда Испаниядаги Бадахос вилоятининг Альмендралехо шаҳрида "Самарқанд" номли театр фаолият кўрсатяпти.

Яхшилик, ёруғлик, тинчлик ва яратувчилик тинчлиги сифатида тилга олинади.

Миллий антропология музейида сақланади. Мусиқали-томоша жанридаги кўчада намойиш этишга мосланган асарда босқинчиларнинг қилмишлари кўрсатилади.

Миллий антропология музейида сақланади. Мусиқали-томоша жанридаги кўчада намойиш этишга мосланган асарда босқинчиларнинг қилмишлари кўрсатилади.

Миллий антропология музейида сақланади. Мусиқали-томоша жанридаги кўчада намойиш этишга мосланган асарда босқинчиларнинг қилмишлари кўрсатилади.

### РАНГЛАР ШАЙДОСИ

Камила эндигина 15 ёшга қаршилаган ёш қизалоқ бўлса-да, эришган ютуқлари мақтовга эришди.



дир эса қўлидан қалам тушмайди. Бу, албатта, шу бола келажакда машхур хонанда ёки расмом бўлиб етишди, дегани эмас.

### Истиқлол фарзандлари

— Аслида туғма истеъдод ҳар бир болада мавжуд, — дейди ёш истеъдоднинг буvisи Динара Алимова. — Бу иқтидорни, аввало, оиласидагилар сезиши керак.



— Небарам туфайли биз ҳам дунё кўриб келишимиз керак. Дунёдан мағзи ширин, деб бекорга айтишмас экан.

Нилуфар САПАЕВА, журналист

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ташаббуслари ва амалий ишлари тизимида ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлик алоқалари ривожига янги давр бошланди.

### БИРЛАШГАН ЭЛ — ЎЗАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудидаги Адиблар хиёбонида барпо этилган Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг янги биносида Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси жаноб Ерик Ҳтембаев билан ўзбекистонлик ижодкорлар учрашуви бўлиб ўтди.

Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Ерик Ҳтембаев 2018 йил Қозоғистонда "Ўзбекистон йили" деб эълон қилинганини, шу муносабат билан ўзбек маданияти, санъати ва адабиётини тарғиб этишга, ўзбек шоирлари, ёзувчилари, санъаткорлари билан ижодий учрашувлар, маданият ва адабиёт кунлари ўтказишга эътибор қаратилганини ҳақида гапирди.

Қорақалпоғистон Ўзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасининг маслаҳатчи вакили Мурсалнаби Тўяқбоев, Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси халқаро адабий алоқалар ва бадиий таржима кенгаши масъул котиби Аҳмадбек Алимбеков ва бошқа ижодкорлар ўзаро адабий алоқаларни янада ривожлантириш, адиб ва таржимонларнинг ижодий ҳамкорлигини кучайтириш, икки халқнинг мутоза ва ҳозирги замон адабиёти намуналарини ҳар икки тилга таржима қилиш, ўзбек шеърини антологиясини қозоқ тилида, қозоқ шеърини антологиясини ўзбек тилида нашр этиш, янги китоблар тақдимотлари ҳамда ижодкорлар учрашувларини ташкил этиш масалалари ҳақида сўзлашди.

Рустам МУСУРМОН

### ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ

Ўзувчилар уюшмаси Бадиий публицистика кенгашининг 2017 йилда яратилган асарлар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўтган йили яратилган публицистик тўпламларнинг адабий жараёндаги ўрни ҳақида публицист-ёзувчи Ҳақим Сатторий маърузаси тингланди.

Ўзбекистон Миллий университети доценти Аҳмадхон Мелибов Миллий ахборот агентлиги ҳамда бошқа нашрларнинг интернет сайтлари фаоллашганини қайд этиб, публицистика соҳасида қалам тибратган ижодкорларни янада фаол бўлишга, давр шиддати ва даъватини ҳис этиб, бунёдкор замондошларимизни ташвишлантираётган муаммоларни дадил қаламга олишга чақирди.

### "ТЕАТР"

2018 йил 1 сон

Санъат нашрлари

Журналнинг янги йилдаги биринчи сони О.Давлатовнинг Алишер Навоий ижодининг тарбиявий масалаларига бағишланган "Комил инсоннинг уч нишонаси" мақоласи ҳамда О.Жўрабоевнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур лирикасида мусиқа ва тасвирий санъатнинг ўрни таҳлил қилинган "Ҳам чангидан озод айлагувчи саз" номли тадқиқоти очиб беради.

Журналнинг янги йилдаги биринчи сони О.Давлатовнинг Алишер Навоий ижодининг тарбиявий масалаларига бағишланган "Комил инсоннинг уч нишонаси" мақоласи ҳамда О.Жўрабоевнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур лирикасида мусиқа ва тасвирий санъатнинг ўрни таҳлил қилинган "Ҳам чангидан озод айлагувчи саз" номли тадқиқоти очиб беради.

### ТЎҒРИ ҲОЙДАНАЙЛИК

Оммавий ахборот воситалари, телевидение ёки ижтимоий тармоқлар орқали кунда-кунора берилаётган ёнгин билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди.

Бундай ноҳус ҳолатларнинг рўй беришига эса озгина бефарқлик сабаб бўлади. Кимдир уйдаги қўлбола иситгичдан ноўрин фойдаланади, яна кимдир болаларнинг гугурт уйнашини оддий ҳол деб билади.

Ана шундай қўнғилсиз ҳодисаларнинг рўй бермаслиги учун ҳар бир фуқаро ёнгин хавфсизлигига қатъий риоя қилиши, симлар туташувидан пайдо бўлган учқун ҳақида ёнгин хавфсизлиги ҳодимларига дарҳол хабар бериши лозим.

Ф.ЮНУСОВ, З.АКБАРОВ, А.КАЛДИБАЕВ, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари

Гул кўп, чаман кўп

### ТОҒДАН ЯРАЛГАН АЁЛ


Машхур испан мусаввири Пабло Пикассонинг "Камбагал аёл" картинаси бошқа мўйқалам соҳибининг қайта ишланган асарини исботлади.



Тўғри, "Камбагал аёл"да бегона муаллифнинг қўли борлиги ўтган асрнинг 90-йилларидан буён таҳмин қилиб келинарди.

### КЭМЕРОН ИШГА КИРИШДИ

Голливуднинг таниқли режиссёри Жеймс Кэмерон "Аватар" фильмининг янги қисмларини суратга олишни бошлаганини расман эълон қилди.



Узоқ давом этган тайёрларлик жараёнидан сўнг, режиссёр бир вақтинч ўзида "Аватар"нинг тўртта янги қисмини ўзи ичига олувчи катта ижодий лойиҳани амалга оширишга киришди.

### ҚАЛБАКИ ДУРДОҒА

Машхур голланд расмони Франс Хальс қаламига мансуб деб ҳисобланган ва 2011 йили "Sotheby's" аукционидан 10,8 миллион долларга сотилган "Эркак портрети" қалбакили аниқланди.



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Ёкуб Аҳмедовга умр йўлдоши Муҳаббат АХМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси "Санъатшунослик ва маданиятшунослик" кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди

Муаттар СОДИКОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинлари ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. ХОМИЙ: "МАТЕБУТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИОНЕРLIK КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон манзилмиз: uzas.gzt@mail.ru

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИД. Мусъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи муҳаррир — Гулҳебра УМАРОВА. Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. ISSN 2383-614X. 9772181634000